

ҲАЁТ СУГУРТАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

Обиддин Юлдашев

Тошкент молия институти “Сугурта ва пенсия иши” кафедраси доценти, и.ф.д.

ORCID: 0000-0002-9640-8128

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 4

DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss4/a5

ABSTRACT

Мазкур мақолада дунёдаги энг йирик ҳаёт сугуртаси бозорларидан бири бўлган Хитой тажрибаси ўрганилган, Ўзбекистонда ҳаёт сугуртасининг ривожланиш истиқболларини таъминлаш мақсадида бу тажрибаларни миллий бозорда кўллаш бўйича хулосалар шакллантирилган. Хитойда ҳаёт сугуртаси тармогининг мамлакат ялпли ички маҳсулотидаги улуши, аҳоли жон бошига ўртacha ҳаёт сугуртаси мукофоти, ҳаёт сугуртаси тармогининг сугурта бизнесидаги улуши ва жаҳон ҳаёт сугуртаси бозоридаги улуши таҳлил килинган. Хитойда аҳолининг ҳаёт сугуртаси маҳсулотларини сотиб олишига кучли таъсир килган асосий омиллар тадқик этилган.

KEYWORDS

ҳаёт сугуртаси, умумий сугурта, пенсия сугуртаси, ягона фарзанд сиёсати, ҳаёт сугуртасининг зичлиги, ҳаёт сугуртасининг кириб бориши.

Кириш

Ҳаёт сугуртаси бутун дунёда аҳолининг мулкий манфаатларини химоя килиш ҳамда молиявий режалаштиришнинг асосий механизмиларидан бири сифатида хизмат килади. Жаҳон сугурта бозорида 2022 йилда йигилган сугурта мукофотлари 6 782,2 млрд. долларни ташкил этиб, шундан 42,0 фонзи ҳаёт сугуртаси тармогига тўғри келади [8]. Қолаверса, ҳаёт сугурталовчиларнинг инвестиция портфели жаҳон ЯИМнинг асосий қисмини ташкил этади. Шу жиҳатдан, ҳаёт сугурталовчилар энг йирик институционал инвесторлар категорига киради.

Ҳаёт сугуртасининг ана шундай мухим аҳамиятини хисобга олган ҳолда, хорижий мамлакатлар сугурта назорати органлари молия бозорининг ушбу сегментига катта эътибор қарратмоқдалар, жумладан, ҳаёт сугуртаси учун имтиёзли шарт-шароитлар яратилмоқда, бу эса, давлат ижтимоий сиёсатини ислоҳ килишининг энг мухим воситаси сифатида ундан самарали фойдаланиш имконини беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ҳаёт сугуртасининг ҳозирги ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболларини жаҳонда таркиб топган ёки топаётган тенденциялар кесимида баҳоламок зарур.

Сўнгти йигирма йил ичida кўплаб ривожланаётган иктисиёлар ҳаёт сугуртаси тармогининг кучли ўсишига гувоҳ бўлиши. Ҳаёт сугуртасига бўлган талабни ўрганишга қаратилган тадқикотлар 1960 йиллардан бери катта эътиборни тортган бўлса-да, аксарият тадқикотлар мамлакатлараро (Cross country) ёки айнан ривожланган мамлакатлар сугурта бозорларини тадқик этишига қаратилган. Ҳаёт сугуртасига бўлган талабни шакллантирувчи омилларнинг мураккаблиги ва турли мамлакатларда уларнинг фарқланиши ҳаёт сугуртаси ривожланишининг халқаро амалиётининг ўзига хослигини кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳаёт сугуртасининг ривожланиши истиқболларини таъминлаш нутказ-назаридан ҳаёт сугуртаси тараққиётининг жаҳон илгор тажрибасига жиддий эътибор бериш зарур. Шу муносабат билан, жаҳон ҳаёт сугуртаси бозорида ҳал килувчи ўринни эгаллаб келаётган Хитой тажрибасига мурожаат килишини мақсадга мувофиқ деб билдик. Бу ўринда мазкур мамлакатнинг танланниши тасодифий эмас. Аксинча, мамлакатимизнинг Хитой билан географик жиҳатдан яқинлиги,

савдо, иктисиодий ва бошқа йўналишларда интеграциянинг хар иили ортиб бораётганинги хисобга олсан, миллий сугурта бозоримизнинг ҳам худди шу йўналишда ривожланиш эҳтимоли мавжуд.

Адабиётлар шархи

Хитойда ҳаёт сугуртаси ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини назарий ва эмпирик ўрганиш адабиётларда кенг муҳокама килинган. Жумладан, Хван ва Гао илмий ишларини Хитойда ҳаёт сугуртаси соҳасидаги 1978 йилдаги иктисиодий ислоҳотлардан сўнг ҳаёт сугуртасининг жадал ўсишини тушунтириш мақсадида, унга бўлган талабнинг асосий омилларини ўрганишга қаратилар [2]. Уларнинг вактили катор маълумотлари таҳлилига асосланган эмпирик тадқикотлари шуни кўрсатдикли, Хитойда ҳаёт сугуртаси маҳсулотларини сотиб олишига таъсир килган омиллар – инсонларнинг иктисиодий хавфзизлигини юқори даражага кўтариши, таълим даражасини ошириш ва ижтимоий тузилмаларни ўзгартиришга қаратилган муваффақиятни иктисиодий ислоҳотлар билан бевосита боғлик. Бирок, Хитой 1990 йилларда юқори инфляцияни бошдан кечирган бўлсада, мазкур тадқикот инфляциянинг ҳаёт сугуртаси истеъмолига салбий таъсирини аникламади.

Хван ва Гринфорд ўзларининг тадқикотларида Хитой, Гонконг ва Тайванда ҳаёт сугуртаси истеъмолига таъсир этувчи асосий омилларни, шунингдек, ҳар бир худудда ҳаёт сугуртаси бозорининг ўзига хос хусусиятларини ўргандилар [3]. Уларнинг аниқлашиб, даромад, таълим ва иктисиодий ўсиш ҳаёт сугуртасига бўлган талабга нисбатан ижобий таъсирга эга. Ижтимоий тузилма ва битта фарзанд сиёсати ҳаёт сугуртаси истеъмолига салбий таъсири кўрсатади. Бирок, ижтимоий химоя ва нарх ҳаёт сугуртасига бўлган талабга нисбатан аҳамиятли таъсирга эга эмас. Умуман олганда, ҳаёт сугуртасининг ривожланиши мамлакатнинг иктисиодий ривожланиш даражасига боғлик.

Хитойда ҳаёт сугуртасига бўлган талабни белгиловчи омилларнинг микрэконометrik далилларини тақдим этган Ши ва бошқалар [5] таҳлил жараёнидаги “Хитой уй хўжаликлари даромадлари” лойиҳаси (СНИР) маълумотлар тўпламидан фойдаланадилар. Натижалар шуни кўрсатдикли, инсон капиталини химоя килиш мотиви ҳам, активларни тақсимлаш мотиви ҳам

Хитойда ҳаёт сугуртасига бўлган талабнинг ошишини тушунтиришда мухим аҳамиятта эга. Бундан ташқари, мазкур тадқикотда учта эмпирик конуният аниқланган: (1) инсон капиталинг даромадлари ва бозор портфелининг даромадлари ўртасидаги ижобий корреляция ҳаёт сугуртасига бўлган талабларни камайтиради; (2) уй хўжалигининг хозирги бойлиги ҳам, келажакдаги даромади ҳам ҳаёт сугуртасига бўлган талабга эгри чизикли таъсир кўрсатади; (3) уй хўжаликларининг ижтимоий алоқаларининг кенглиги ҳаёт сугуртасига бўлган талабга сезиларни таъсир кўрсатади.

Тадқикот методологияси

Мазкур мақолан тайёрлаш жараёнида Жаҳон банки (World Bank), Иктиносий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Organisation for Economic Co-operation and Development) ва Сугурта назоратчиларининг халкаро асоцияцияси (International Association of Insurance Supervisors) томонидан нашр этилган йиллик хисоботлар маълумотларидан фойдаланилган. Шунингдек, мақола мавзусига оид олимлар, тадқикотчилар ва мутахассисларнинг хорижий илмий журналларда чоп этилган илмий ишлари ўрганилган. Тадқикот ишини амалга ошириша киёсий таҳлил, тақослаш, умумлаштириш ва гурухлаштириш, илмий мушоҳада килиш, мантикий фикрлаш, статистик таҳлил каби илмий методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар мухокамаси

Хитой тажрибаси таҳлили кўрсатдики, бутунги кунда унинг ҳаёт сугуртаси бозори йигилган сугурта мукофотлари ҳажми ва тузилган сугурта шартномалари сони бўйича дунёдаги энг йирик бозорлардан бирни хисобланади, ваҳоланки, ўттиз беш йил аввал мамлакатда умуман ҳаёт сугуртаси мавжуд бўлмаган.

Хитойда бошقا соҳалар каби сугурта соҳаси ҳам юкори суръатларда ривожланмокда. Жумладан, 2017 йилда умумий сугурта бизнеси бўйича АҚШдан кейин дунёдаги иккинчи, ҳаёт сугуртаси бўйича эса, АҚШ ва Япониядан кейин дунёдаги учинчи йирик сугурта бозорига айланди. 2020 йилда Коронавирус пандемияси сабаби дунё мамлакатларининг 70 фоизидан ортигига ҳаёт сугуртасининг кескин пасайиши, шунингдек, Жаҳон ҳаёт сугуртаси бозорида ўртача 4,4 фоиз пасайиш кузатилган бир пайтда, мамлакатда ҳаёт сугуртасининг 2,8 фоизга ўсиши Хитойни сугурта мукофотлари ҳажми бўйича дунёдаги иккинчи йирик сугурта бозорига айлантириди [7].

Ҳаёт сугуртасини ривожлантириш тажрибаси ҳақида гап кетса, Хитой, биринчи навбатда, ўз кўлами билан диккатни тортади. Жумладан, ахолиси 1451,4 миллиондан ортик бўлиб, бу мамлакатимиз ахолисидан кирк икки баравар кўп. Хитойнинг ялпи ички маҳсулоти 14,7 трilliон доллардан ошди [7], бу эса, Ўзбекистондан 254 баробар кўп. Шу билан бирга, Хитой иктисиёти кўп йиллар давомида барча асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича баркарор ўсиш суръатларини намойиш этмоқда:

- ишчизлик 4% даражада сакланди;
- йиллик инфляция даражаси 2,0 - 2,9%;
- Хитойнинг миллий валютаси “юан”нинг АҚШ долларига нисбатан курси кўп йиллар давомида баркарор бўлиб келмоқда.

Девальвация 1,4%дан ошмайди;

- ЯИМнинг йиллик ўсиши ўртача 6,5% ни, 2020 йилда эса пандемия таъсирига қарамасдан, 2,5% ни ташкил этди [9].

Мазкур макроиктисодий кўрсаткичларнинг ҳаёт сугуртаси ривожланишига таъсири турли эмпирик ва амалий тадқикотлар орқали исботланган.

Хитойнинг ўз ахолиси учун пенсия ва тиббий масалалардаги ижтимоий таъминот тизими 2010 йилларга қадар давлатнинг тўлиқ кафолатига таянган. Иш берувчиларнинг маблаглари (иш хақи фондидан ажратмалар) хисобидан шакллантирилган фондлар пенсияга чиқкан фукаролар даромадининг 60-80 фоизини (пенсия ёшига етгунга қадар олган даромадидан келиб чиқиб) таъминлаши ва тиббий харажатларнинг 50 фоизини давлат хисобидан қоплаши керак эди. Аммо, 1980 йилларда мамлакатда амалга оширилган “түғилишлар чеклаш” сиёсати кейинги йилларда ахоли қатламида пенсionерлар салмогининг ошишига олиб келди. Қолаверса, турли прогнозларга кўра, 2050 йилга бориб, Хитой ахолисининг учдан бир кисмини 65 ёш ва ундан катталаради ташкил этиши аниқланди. Амалдаги пенсия таъминоти тизими эса, давлатнинг бу борадаги мажбуриятларини қоплай олмайди. Иш берувчиларнинг иш хақи фондига нисбатан юк 65-70%гача ўсади. Пенсионерларнинг молиявий ахволи ва турмуш даражасини кўтариши масаласи уларнинг фарзандлари ва набиралари томонидан таъминланishiни ўйла кўйиш учун “түғилишга чекловлар”ни олиб ташлаш, ўз навбатида,

давлатнинг ҳомиладорлик, тувиш ва декрет нафакалари билан боғлик харажатларини кўпайтириб юборади.

2010 йилларда мамлакатда ҳаёт сугуртасини кескин илоҳи килишга ҳамда аҳоли учун пенсия ва тиббий ёрдам кўрсатишини ташкил килишда хусусий ташаббусларни рагбатлантиришга карор килинди. Шунингдек, солиқ тизими қайта кўриб чиқилди, бунда ҳаёт сугуртаси компаниялари бир катор солиқлардан озод килинди ва солиқ юки камайтирилди. Иш берувчилар ҳам ўз ходимларининг пенсия сугуртасини ривожлантиришда катта имтиёзларга эга бўлишиди. Сугурталовчилар фаолиятини хисобга олиш ва назорат килиш тизими илоҳи килинди. Мазкур чора-тадбирлар натижасинда, ҳаёт сугуртасининг ҳар йили ўртача 17-20 фоиз ўсишига эришилди. Давлат монополиясидаги сугурта бозори хусусий сугурта компаниялари хисобига фаол ривожланана бошлиди. Давлат сугурта компанияларининг бозор улуши 77 фоиздан 26 фоизгача камайди. Бугунги кунда Хитой сугурта бозорида ҳаёт сугуртаси маҳсулотларини илгари сураётган 91 дан ортиқ ҳаёт сугуртаси компаниялари фаолият юритади.

Сугурта бозори Хитой Халқ Республикасининг “Сугурта фаолияти тўғрисида”ти Конуни билан тартибга солинади. XXRнинг ҳар бир провинсиаси мустакил рафиша худудий сугурта бозорини тартибга солиши, шунингдек, ўз худудида мажбурий сугурта турларини жорий этиши ваколатига эга, бирор асосий тартибга солувчи орган Хитой Банк фаолияти ва сугуртани тартибга солиши Комиссияси (China Banking and Insurance Regulatory Commission - CBIRC) хисобланади. CBIRC сугурта ташкилотлари, воситачилар, шу жумладан, агентлар, брокерлар ва авария комиссарларининг сугурта фаолиятини ҳамда барча тижорат операцияларини тартибга солади.


Хитойда сугурта соҳаси ҳаёт сугуртаси ва умумий сугурта тармоқларига бўлинади. Баҳтисиз ҳодисалардан ихтиёрий сугурталаш ва тиббий сугуртани ҳар иккала тармоқдаги компаниялар амалга ошириши мумкин. Ҳаёт сугуртаси компанияларининг ушбу иккита тармоқдаги улуши 84 фоизни, ҳаёт сугуртаси тармоғининг сугурта бозоридаги улуши эса 53,0 фоизни ташкил киласи [7].

Хитой ҳаёт сугуртаси бозори сугурта килдирувчилар манфаатларини ҳимоя килишнинг кучли чоралари билан ажralиб туради. Бу сугурталовчиларнинг бадаллари хисобидан молиялаштириладиган Maxsus фонд орқали амалга оширилиб, тўлов қобилияти пасайиши сугурта компанияларининг мажбуриятларини қоплаш учун активлари етарли бўлмаганда уни кафолатлади.

Мамлакатда ҳаёт сугуртаси маҳсулотларини сотиш асосан банклар ва агент (агентлик)лар томонидан амалга оширилади. Банклар бир марталик сугурта бадалли жамгариб бориладиган полисларни сотишга ихтисослашган бўлиб, ўртача сугурта мукофоти 48 минг АҚШ долларни ташкил этади. Ҳаёт сугуртаси полисларининг мавжудлиги банк кредитларини расмийлаштиришга ва биржалар орқали қўмматли қоғозлар савдосида иштишга имкон беради. Агентлар (тахминан 3 миллион киши) ва агентликлар (1,8 минг ташкил) йиллик даворий сугурта бадалли полисларни сотишга ихтисослашган бўлиб, ўртача мукофот 1,1 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Хитойда сугурта мунособатларини тартибга солувчи конунчиларни асосан, ҳаёт сугуртаси шартномаси сугурта муддатининг дастлабки икки йилида тутатилган тақдирда, тўланган сугурта мукофотлари сугурталовчининг харажатларини хисобга олган ҳолда, дастлабки икки йилдан сўнг тутатилган тақдирда эса, тўлик қайтарилади.

Ҳаёт сугуртаси тармоғининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2,4 фоизни, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача ҳаёт сугуртаси мукофоти 241 АҚШ долларини, ҳаёт сугуртаси тармоғининг сугурта бизнесидаги улуши 53,0 фоизни, Жаҳон ҳаёт сугуртаси бозоридаги улуши эса, 12,4 фоизни ташкил киласи [7]. Сўнги ўн йил давомида ҳаёт сугуртаси мукофотларининг ЯИМдаги улуши ўртача 2,0 фоиз, умумий сугурта мукофотларининг улуши эса, ўртача 1,7 фоиз атрофида тебранган (1-расм).



1-расм. 1980-2020 йилларда Хитойда хаёт сугуртаси ва умумий сугурта мукофотларининг ЯИМдаги улуши тенденцияси³.

Бунга, сугурталовчиларнинг сугурта полисларини юзма-юз сотини ўрнига ракамли каналларни тезкорлик билан кенг жорий этиши ва сугурта химояси ахолининг талабларига яхширок мос келадиган янги сугурта маҳсулотларини ишлаб чиқилиши орқали эришилган.

Хитой ҳаёт сугуртаси компаниялари Коронавирус пандемиясининг тъсири билан боғлиқ иктиносидой инцидент 2020 йилга молиявий баркарор ҳолатда кириб борди. Масалан, ҳаёт сугуртаси компанияларининг ўртacha тўлов кобилияти коэффициенти 2019 йилда 2,35 (ёки 235%)ни ташкил этиб, тўлов кобилиятынинг меъерий даражаси (1,0 коэффициент ёки 100 %)га нисбатан анча катта [6].

Хитой ҳукумати ҳаёт сугуртаси тармоғини келгусида янада эркинлаштириш учун 2019 йилда акциядорлик капиталида хорижий капиталнинг улушини 51 фоизгача оширишга рұксат берди. Хитой Банк фаолияти ва сугуртани тартибга солиш Комиссияси 2020 йилда ҳаёт сугуртаси компаниялари устав капиталида хорижий капиталнинг улушкига нисбатан барча чекловларни олиб ташлашини тасдиқлаган.

2020 йилнинг феврал ойида Хитой Банк фаолияти ва сугуртани тартибга солиш Комиссияси томонидан ҳаёт сугуртаси маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва тариф ставкаларини белгилаш бўйича янги актуар коидалар яратилди.

Хитой ҳукуматининг келгуси режалари ўсиш суръатларини сақлаб қолиши ва янада жадаллаштиришга каратилган бўлиб, ҳаёт сугуртасининг ЯИМдаги улушкини 5 фоизга, ахоли жон бошига ўртacha мукофотни 561 АҚШ долларига етказиши режалаштирилган. Бундай ўсишини таъминлайдиган сугурта бозорининг асосий сегментлари қуидаги ижтимоий сугурта турлари бўлиши мумкин: пенсия режалари, иктиёрий тиббий сугуртга, ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалардан сугурталаш, ишсизликдан сугурталаш. Шунингдек, Хитойда ҳаёт сугуртасининг янада ривожланишига асос бўлувчи омиллар сифатида сугурта агентларининг микдорий ва сифат жихатдан кўпайшига, солик имтиёзлари ва уларнинг таъсиричаларини оширишга, сугурта бизнесига ахборот технологияларини кенг жорий этишига (Интернет орқали сотини, телеандеррайтинг), сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари устидан сугурта назоратини янада кучайтиришга ва соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб килишига катта ёзтибор каратилмоқда.

Кўйида сугурта мукофотлари бўйича дунёнинг энг ийрик сугурта компаниялари таркибига кирган ҳаёт сугуртаси компаниялари тўғрисидаги маълумот көлтирилган (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, 2019 йилда тўплланган сугурта мукофотлари бўйича дунёдаги ТОП-25 сугурта компаниясининг таркибида 5 таси ҳаёт сугуртасига тегишил бўлиб, уларнинг 4 таси Осиё минтақасида (шундан 2 таси Японияда) жойлашган. Шунингдек, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати факат China Life Insurance (Group) (7,5 фоиз) ва Company Life Insurance Corporation of India (12,4 фоиз) сугурта компанияларида кузатилган. Ҳаёт сугуртаси компанияларининг умумий ренкингдаги (ТОП-25) ўрни асосан тўртинчи бешликка тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар

Ракобат курашининг кескинлашуви ва ривожланаётган мамлакатларнинг иктиносидой экспансияси шароитида жаҳон ҳаёт сугуртаси бозорида ўз позициясини сақлаб қолган ва хатто

мустаҳкамлаётган Хитойнинг тажрибасидан Ўзбекистон учун сабоқларни қўйидаги хулосалар орқали ифодалаш мумкин:

1. Хитойда замонавий молиявий инвестиция воситалари иктиносидой ривожланган мамлакатлардагидек такомиллашмаганлиги сабабли, ахоли тежкамкорликка иктиносидой ҳаффизлика эришиш механизми сифатида қарайдилар, жамғаришга мойил бўладилар. Ҳаёт сугуртаси соҳасининг ривожланиши билан, жамғариши сугурта маҳсулотлари билан алмаштириш имконияти пайдо бўлди.

2. Ижтимоий ва демографик омиллар ахолининг сугуртага бўлган муносабатига таъсир килди. Қишлоқ ҳўжалиги сектори Хитойда бандлик нуктаи-назаридан мухим рол ўйнаса ҳам, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ўсиши унинг бутун иктиносидётдаги аҳамиятини пасайтириди. Қишлоқ ҳўжалигидан

2-жадвал Дунёнинг энг ийрик (ТОП-25) сугурта компаниялари ренкингдаги ҳаёт сугуртаси компаниялари ҳақида маълумот⁴

(Ренкинг 2021 йилги сугурта мукофотларига асосланади).

Ренкинг-даги ўрин	Ҳаёт сугуртаси компаниялари	Давлат	Сугурта мукофотлари, млн. долларда	Ўтган йилга нисбатан ўзгариш, %да
4	China Life Insurance (Group) Company	Хитой	97 744,9	7,52
15	Nippon Life Insurance Company	Япония	52 112,8	-6,75
17	Life Insurance Corporation of India	Ҳиндистон	50 491,1	12,42
19	Dai-ichi Life Holdings, Inc.	Япония	45 314,1	-8,58
22	MetLife, Inc.	АҚШ	42 235,0	-3,66

саноатлашган жамиятта ўтиши, шаҳарларнинг иктиносидой ривожланиши марказига айланishi, ахолининг кишилклардан шаҳарларга кўчиб ўтиши кенг микёсда урбанизацияга олиб келди. Натижада, ҳаёт сугуртасига бўлган талаб сезиларли даражада ошиди.

3. Иктиносидой тараққиёт билан урбанизациянинг ўсиши болалар сонини камайтириди. Бу, ахоли карилкда (фарзандлардан) оладиган анъянавий иктиносидой ёрдамнинг манбаси ва кўламини ўзгартирди. Натижада, ота-оналар карилки чогида пенсиянинг етарили бўлмаган қисмини ягона фарзандидан олиш имконияти камайди, бу эса, уларнинг пенсия эҳтиёжларини тўлиқ кондириш мақсадида қўшимча пенсия сугуртасига талабини ошириди.

4. Ҳаёт сугуртаси истеъмоли ахолининг реал даромадларига ижобий боғлиқ ва бу статистик жихатдан аҳамиятли. Аммо, Хитойда даромад даражаси пастлиги ва худудлар ўргасидаги иктиносидой ривожланиши даражасининг кескин ўзгаришига қарамай, сўнгги йигирма йил мобайнида иктиносидётнинг тез суръатлар билан ўсиши ахолини ҳаёт сугуртаси маҳсулотларини сотиб олишга ундаша мухим рол ўйнади.

5. Ўрганилган эмпирик тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатади, инфляция ва ҳаёт сугуртаси истеъмоли ўргасидаги статистик жихатдан хеч қандай салбий боғлиқлик мавжуд эмас. Хитойда инфляция юкори бўлган даврда унинг ҳаёт сугуртасига салбий таъсир кўрсатгани тўғрисида хеч қандай далиллар топилмади. Бу ҳолат ажабланарли эмас, чунки, бошқа тадқиқотлар ҳам инфляциянинг ҳаёт сугуртасига салбий таъсири мавжуд эмаслигини кўрсатган (Нейманн, 1969; Каргилл ва Троксель, 1979).

6. Хитойда маълум бир давр таълим даражаси паст бўлган бўлса-да, иктиносидой ислоҳотлардан сўнг таълим даражасини яхшилашда катта ютукларга эришиди. Таълим даражасининг бундай кўтарилиши ҳаёт сугуртасининг ролини яхшироқ англашга ва тушунишга олиб келди, бу эса, ҳаёт сугуртасига бўлган талабини ошириди

1. Cargill, T. F. and Troxel, T. E. (1979), "Modeling Life Insurance Savings: Some Methodological Issues", *Journal of Risk and Insurance*, 46, pp.391-410.
2. Hwang, T. and Gao, S. (2003), "The Determinants of the Demand for Life Insurance in an Emerging Economy – The Case of China", *Journal of Managerial Finance*, Vol. 29, No. 5/6, pp. 82-96. <https://doi.org/10.1108/03074350310768779>
3. Hwang, T. and Greenford, B. (2005), "A Cross-Section Analysis of The Determinants of Life Insurance Consumption in Mainland China, Hong Kong, and Taiwan", *Risk Management and Insurance Review*, Vol. 8, No. 1, pp. 103-125.
4. Neumann, S. (1969), "Inflation and Saving through Life Insurance", *Journal of Risk and Insurance*, 36, pp.567-582.
5. Shi, Xiaojun & Wang, Hung-Jen & Xing, Chunbing (2015). "The role of life insurance in an emerging economy: Human capital protection, assets allocation and social interaction", *Journal of Banking & Finance*, Elsevier, vol. 50, pp. 19-33. doi: 10.1016/j.jbankfin.2014.08.028
6. Swiss Re Sigma (2020), "World Insurance: Regional review 2019, and outlook", *Sigma extra* 4/2020. URL: https://www.swissre.com/dam/jcr:4a1688f7-13e9-4b79-b5ba-917a00d2ea30/sigma4_2020_extra_Complete.pdf
7. Swiss Re Sigma (2021), "World insurance: the recovery gains pace", *Sigma* No3/2021. URL: <https://www.swissre.com/institute/research/sigma-research/sigma-2021-03.html>
8. Swiss Re Sigma (2023), "World insurance: stirred, and not shaken", *Sigma* No3/2023. URL: <https://www.swissre.com/dam/jcr:3fd9db6e-f497-43b3-9e69-2ba89e7a2c31/2023-09-zrh-23-13658-p1-sigma-3-wis-2023.pdf>
9. World Bank (2020), <https://data.worldbank.org/indicator> Жаҳон банкининг интернет сайти // World Bank website
10. www.cbirc.gov Хитой Банк фаолияти ва сугуртани тартибга солиш Комиссияси сайти // Website of the China Banking and Insurance Regulatory Commission
11. www.oecd.org Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотнинг сайти // Website of the Organisation for Economic Co-operation and Development
12. www.iaisweb.org Сугурта назоратчиларининг халқаро ассоциацияси // Website of the International Association of Insurance Supervisors